

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Тўхтарова Ферузахон Юлдашевна
«University of Economics and Pedagogy»
NOTT тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш масалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес субъектлари, Янги Ўзбекистон, тадбиркорлик.

Кириш. Ўзбекистонда кичик бизнес йўналиши қўшни давлатларга нисбатан секин суръатда ривожлангани, соҳага оид кўрсаткичлар сезилар-сезилмас даражада кўзга ташланганлиги билан ажралиб турсада, кичик бизнес корхоналарининг барқарор ривожланиш даражалари секинлик билан таъминланмоқда. Иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқлари қаторида кичик корхоналар улушининг ошиши иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик таъминланишининг мустаҳкам пойдевори сифатида майдонга чиқа бошлади. Глобал инновацион индексда Ўзбекистон 2015 йилга нисбатан 2020 йилда 29 поғонага кўтарилиб, 131 та мамлакат орасида 93-ўринни эгаллади⁷.

Юқоридаги муваффақиятларнинг бош омилларидан бири сифатида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижаси ва унинг таркибидан ўрин олган чора-тадбирлар йўналишларининг тўғри танлаб олинганлиги билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг асосий ютуқлари эса кичик бизнес ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, асосий стратегик соҳалардан бири сифатида қаратилганлиги билан ажралиб туради. Кичик бизнес корхоналари жаҳон мамлакатлари тажрибасида ўзининг юқори натижа ва муваффақиятлари билан мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги, ялпи ички маҳсулотдаги соҳа улуши 60-70 фоизни ташкил этган ҳолда кўрсаткич 1991 йилда атиги 1,5 фоиз, 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган эди. 2016 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 64,9 фоизга етди.

Адабиётлар таҳлили. Кичик бизнесни ривожлантириш бўйича олимлар Е.А. Ляманова, К.В. Колпакова ва Е.В.Гусаровалар тадқиқотлар олиб борганлар. Шунингдек тадқиқотчилар Халилов Н., Сафина Н., Курбанов А.Б., Турсунов И. ҳам тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўзининг ишларини олиб борган.

Муҳокама. Кичик бизнес корхоналарига бўлган иқтисодиётдаги талаб жадаллик билан ўсиб бораётган тармоқ ва соҳаларга янги ишлаб чиқаришни ташкил этади. 2017—2020 йиллар мобайнида мамлакатимизда жами 288 мингдан ортиқ корхоналар ташкил этилди. Шундан 14,8 мингтаси йирик корхоналар, 273,2 мингтаси кичик

⁷Б.Ҳожиёв. Янги Ўзбекистон кичик бизнес-иқтисодиётнинг қон томири. <https://yuz.uz/news/kichik-biznes-iqtisodiyotning-qon-tomiri>

бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимиздаги ушбу кўрсаткичнинг ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг кичик бизнес корхоналаридаги даражаси йирик корхоналарга нисбатан 2016 йилда 6,2 марта, 2020 йилда эса 6,9 марта юқори бўлганлигини кузатиш мумкин.

Шу билан бирга 2017—2020 йиллар давомида янгидан ташкил этилган кичик бизнес корхоналарининг энг катта салмоғи савдо (жами корхоналарнинг 32 фоизи), саноат (21 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (12 фоизи), қурилиш (10 фоизи), яшаш ва овқатланиш (7 фоизи) тармоқларига тўғри келади. 2020 йилда аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши Жиззах, Бухоро, Хоразм вилоятларида энг юқори даражани ташкил этган. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида эса йирик саноат корхоналари ва ташкилотлардаги иш ҳақи кўринишидаги даромадларнинг салмоғи юқори экани қайд этилди.

Мазкур соҳанинг барқарор ривожланиши тадбиркорлик соҳасида рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришларга кучли таъсирчан ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аҳоли турмуш даражасининг доимий равишда юқори бўлишига энг аввало, кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали эришилиб келинган. Шундан келиб чиққан ҳолда кичик бизнесни ривожлантириш, иқтисодий рақамлаштириш билан бирга кичик бизнес корхоналари фаолиятини рақамлаштириш Ўзбекистон аҳолиси учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнес – бизнесга кириш қисмидаги фаолиятга хос бўлган характерли белгиларга эга бўлган, фирма ички муносабатларига асосланган, ҳамда ташқи муҳит билан узвий боғлиқ бўлган корхоналари ҳисобланади. “Кичик бизнес” (инглизча Biznes – иш, касб, корхоналари маъносида) – тизимли фойда олишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Ғарбий Европа мамлакатларида, Японияда, “кичик ва ўрта бизнес” тушунчалари эса Ҳиндистонда ва Осиё мамлакатларида “кичик ишлаб чиқариш” номлари билан қўлланилади. *Бугунги кунда жаҳон иқтисодийнинг муҳим субъекти сифатида кичик бизнесни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини мавжуд имкониятларни ишлаб чиқариш обортига киритиш, асосий фондлардан инновацион ресурсларга кўра мақсадли ва самарали фойдаланиш каби йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кичик бизнес соҳасида инвестициялар самарадорлигини таъминлашда миллий ва глобал манфаатларни уйғунлиштириш, бошқарув стратегиясини экспорт имко-ниятларни кенгайтиришга кўра такомиллаштириш, тадбиркорлик тузилма-ларини ишлаб чиқариш шакллари самарали асослаш негизда мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш функцияларидан ностандарт ижтимоий-иқтисодий шароитларда мақсадли фойдаланишнинг услубий-амалий асосларини кучайтириш, йирик корхоналар билан интеграцион жараёнларни мустаҳкамлаш каби илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида кичик бизнесни устувор даражада ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш юзасидан молиявий ва бошқа соҳаларда тегишли имтиёзлар яратиш юзасидан кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш” асосий мақсадлар сифатида белгиланган. Бу борада кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш харажатларини минимал-лаштириш ва маҳсулот хажмини оширишнинг оптимал даражаларини баҳолаш, экспорт хажмини ошириш имкониятларини асослаш, прогноз кўрсаткичларининг аниқлик даражасини ошириш каби йўналишидаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. “Кичик бизнес – ҳуқуқий шахс сифатида корхона ташкил қилиш эвазига тадбиркорлик ишини юритадиган, амалиётда кичик корхоналар фаолияти устидан статистик кузатувлар олиб бориш ва таққослаш учун фойдаланишда, ҳудудлараро ва ҳалқаро таҳлил қилишда қулайлик яратиш мақсадида кичик бизнес ўлчамларини аниқлаш, ҳамда имтиёзлар олиш учун йўналтириладиган корхоналарни белгилаб олиш зарурлигида, корхоналарни солиққа тортиш механизмидан самарали фойдаланиш жараёнида, ишчи-ходимлар сонининг қатъий белгиланган меъёри асосида юритиладиган хўжалик фаолиятидир”⁸. Хорижий адабиётларда “Small business (кичик, ўрта ёки кичик бизнес маъносида) иборасига моҳиятан яқиндир ва шу билан ғарбий Европа адабиётларида “Small business” иборасидан тобора кенг фойдаланилмоқда”.

Албатта, «Бизнес» - бу хорижий сўз бўлиб, у бутун дунё бўйича тарқалган ва ундан барча мамлакатларда халқаро сўз сифатида фойдаланидилар. Кичик бизнес корхоналари ўз фойдасини ошириш учун бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган аниқ шароитларни баҳолашни ва тўғри йўл танлашни билиши зарур. Бу эса охир оқибат кичик бизнес корхоналари самарадорлигини ошишига ва мамлакат иқтисодиётини ривожланишига олиб келади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ хажми ва унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши⁹

Кўрсаткичлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2020 й.	2020 йилнинг 2000 йилга нисбатан ўзгариши (-,+)
ЯИМ, млрд. сўм	3255,6	15923,4	78936,6	221350,9	602551,4	599295,8
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги	31,0	38,2	52,5	62,9	53,9	22,9

⁸ Н.К.Муродова Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб - қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш.иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияси автореферати Тошкент – 2016, 17 б.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

улуши						
-------	--	--	--	--	--	--

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулот ҳажми 2000 йилда 3255,6 млрд. сўмга тенг бўлиб, бу вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 31,0 фоиз ўсишга эришган. Мамлакатда иқтисодий-ижтимоий соҳага бўлган эътиборни кучайтирилиши ва соҳага тегишли ислохотларни изчиллик билан амалга оширилиши натижасида ушбу кўрсаткичлар базис йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 599295,8 млрд. сўмга ошиб 602551,4 млрд. сўмга ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши мос равишда 22,9 фоизга ўсиб 53,9 фоизга етди.

Натижалар. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2030 йилгача мақсадли параметрларида келтирилган кўрсаткичларга мос равишда ушбу кўрсаткичларга эришишда бутун дунёда юзага келган пандемиянинг таъсири ушбу кўрсаткичлар қийматининг пасайишига олиб келди. Кичик бизнес субъектлари бозор иқтисодиёти шароитига хос бўлган иқтисодий фаолиятдир. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир.

Хулоса. Республикада ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва асосан аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш, ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Курбанов Алишер Бобокулович. Роль малого бизнеса в инновационной деятельности // Economics. 2020. №1 (44). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-malogo-biznesa-v-innovatsionnoydeyatelnosti> (дата обращения: 14.11.2020).
2. Турсунов Имамназар Эгамбердиевич, Курбанов Алишер Бобокулович. Инновационные подходы развития предпринимательства // International Journal of Innovative Technologies in Economy. 2018. №5 (17). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnye-podhody-razvitiyapredprinimatelstva>
3. Н.Халилов, Н.Сафина. «Цифровизация - как основной фактор развития системы менеджмента качества текстильной промышленности в Республике Узбекистан. «Colloquium-journal», №13 (136) 2022, Польша, Варшава.
4. www.lex.uz
5. www.gazeta.norma.uz